

**СУЮЛТИРИЛГАН УГЛЕВОДОРОД ГАЗ ТАЪМИНОТ
ТИЗИМИДАГИ КОРРУПЦИОН ОМИЛЛАР ВА ШАФФОФЛИКНИ
ТАЪМИНЛАШДАГИ МУАММОЛАР**

Худойбердиев Шахрух Ровшан ўғли

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси

Ёқилғи энергетика соҳасида қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси
прокурори

***Аннотация:** ушбу тадқиқот ишида Ўзбекистон Республикасида суюлтирилган газ таъминоти тизимидаги коррупцион омиллар ва уларни келтириб чиқараётган ҳуқуқий, ташкилий ва амалий муаммолар таҳлил қилинган. Тадқиқот давомида газ тақсимотида шаффофликни етарли даражада таъминланмаётгани, аҳолига имтиёзли нархларда суюлтирилган газ етказилишидаги манфаатлар тўқнашуви ҳамда назорат механизмидаги камчиликлар коррупция учун замин яратаётгани асосий омил сифатида ёритилган. Шунингдек, соҳадаги норматив-ҳуқуқий базадаги ҳуқуқий бўшлиқлар, рақамлаштириш жараёнини сушт амалга оширилаётгани ва жамоатчилик назоратининг заифлиги шаффофликни таъминлашда жиддий тўсиқлар экани таъкидланган. Муаллиф томонидан мавжуд муаммоларни бартараф этиш мақсадида суюлтирилган газ таъминоти тизимини тубдан ислоҳ қилиш, ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш, маълумотларни очиқлаш ва жавобгарлик чораларини кучайтириш юзасидан амалий таклифлар илгари сурилган.*

***Калит сўзлар:** коррупцион омиллар, таъминот тизими, рақамли назорат, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.*

МАҚОЛАНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ

Кейинги йилларда мамлакатимизда ёқилғи-энергия ресурсларидан самарали фойдаланиш, уларни талон-торож қилиш ҳолатларининг олдини олиш, шу жумладан суюлтирилган углеводород газини етказиб бериш тизимида шаффофликни таъминлаш, коррупция ҳолатларига йўл қўймаслик борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда [3].

Шу билан бир қаторда, суюлтирилган углеводород газини ишлаб чиқаришдан истеъмолчиларга етказиб беришгача бўлган ҳаракатлар занжирини тўлиқ рақамлаштириш, мавжуд ахборот дастурларини бир - бирига интеграция қилиш ҳамда суюлтирилган углеводород газини етказиб бериш жараёнларида инсон омилини тўлиқ бартараф этиш зарурияти юзага келмоқда [4].

Суюлтирилган углеводород газини етказиб беришда хусусий сектор субъектларини кенг жалб этиш, истеъмолчиларга суюлтирилган углеводород газини етказиб беришда шаффофликни таъминлаш, мазкур соҳада рақамли технологияларига асосланган замонавий бошқарув тизимини яратиш, шунингдек, энергия ресурсларидан оқилона фойдаланишни йўлга қўйган ҳолда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг ортиб бораётган эҳтиёжларини қондириш муҳим аҳамият касб этмоқда [5].

Суюлтирилган углеводород газ таъминот тизимида кузатилаётган коррупцион ҳолатлар кўп ҳолларда тизимли ва институционал камчиликлар, норматив-ҳуқуқий базадаги бўшлиқлар, ҳамда идоралараро назоратнинг йўқлиги билан бевосита боғлиқ.

Суюлтирилган газ таъминоти соҳасини тартибга солувчи асосий ҳужжат Вазирлар Маҳкамасининг 10.08.2018 йилдаги “Аҳоли ва ижтимоий соҳа объектларига кундалик ҳаётда фойдаланиш учун суюлтирилган

углеводород газини етказиб бериш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 646-сонли қарори [1] ва Энергетика вазирлиги, “Худудгазтаъминот” АЖнинг ички ҳужжатлари ҳисобланади. Бироқ, мазкур ҳужжатларда суюлтирилган газ учун аниқ, амалиётга яқин ва мажбурий нормалар етарлича ишлаб чиқилмагани, ижтимоий муносабатларнинг ривожланишидан келиб чиқиб, ўзгартириш киритишни талаб қилади.

Таҳлиллар, соҳадаги коррупцион ҳолатларнинг келиб чиқишига асосан суюлтирилган газ нархлари ўртасида салбий тафовут мавжудлиги ҳамда тизим тўлиқ рақамлашмаганлиги каби омиллар сабаб бўлмоқда.

Жумладан, суюлтирилган газ нархининг эркин бозор муомаласи асосида шаклланмаганлиги оқибатида бозор ва имтиёзли нарх ўртасида фарқнинг мавжудлиги коррупция ҳолатларига шароит яратмоқда.

Биржадан олинган газни хусусий газ қуйиш шохобчаларида 1 кг.ни 12 350 сўмдан (1 та баллон тўлдириш 247 минг сўм), таъминот корхоналарида эса, истеъмолчиларга имтиёзли 1 600 сўмдан (1 та баллон 32 минг сўм) сотилади.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 10.08.2018 йилдаги “Аҳоли ва ижтимоий соҳа объектларига кундалик ҳаётда фойдаланиш учун суюлтирилган углеводород газини етказиб бериш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 646-сонли қарорида кундалик ҳаётда истеъмол қилиш учун аҳоли ва ижтимоий соҳа объектларига суюлтирилган углеводород газини етказиб бериш белгиланган нархларда “Худудгазтаъминот” АЖ ва/ёки унинг худудий газ таъминоти ташкилотлари орқали амалга оширилиши белгиланган.

Бирок, “Худудгазтаъминот” АЖ томонидан суюлтирилган газни харид қилиш нархлари ўртасидаги тафовутнинг мавжудлиги сабабли тизимида замонавий приборлар ва ҳисоблаш усуллари жорий этишда молиявий муаммолар юзага келишига сабаб бўлиб, табиий газ даромади ҳисобидан қоплашига тўғри келмоқда.

Бу эса ўз навбатида “Худудгазтаъминот” АЖ тизимини трансформация қилиш орқали табиий газ ва суюлтирилган газ тизимини алоҳида ажратиш орқали хусусий секторни жалб қилиш заруратини юзага келтирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 04.03.2024 йилдаги “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланган асосий йўналишлар бўйича ислохотларни амалга оширишнинг 2024 йилдаги устувор чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-109-сон [қарори билан тасдиқланган](#) Чора-тадбирлар режаси 14-бандида, суюлтирилган газни етказиб бериш функциясини хусусий операторларга ўтказиш учун пилот лойиҳаларни амалга ошириш белгиланган [2].

Бирок, суюлтирилган газ таъминоти тизимида хусусий секторга рухсат беришда олис ҳудудлардаги истеъмолчилар таъминот барқарорлигини таъминлашда бирлик ташаббускорларни жалб қилиш муаммоси юзага келиш хавфи мавжуд.

Хитойда суюлтирилган газ аҳолига етказиб бериш жараёни асосан давлат ва хусусий секторнинг иштирокини талаб қилади. Ушбу тармоқни ижтимоий ва иқтисодий ривожланишнинг ажралмас қисмларидан бири деб қаралиб, суюлтирилган газнинг нархи давлат томонидан тартибга солинади.

Газ нархи давлат сиёсати ва иқтисодий вазиятга асосланиб белгиланади. Агарда суюлтирилган газнинг нархи ошса, ҳудудий субсидиялар ёки ижтимоий дастурлар орқали аҳолига ёрдам кўрсатилади. Масалан, айрим ҳудудларда кам таъминланган оилаларга газ учун субсидиялар берилади.

Шунингдек, тизим тўлиқ рақамлашмаганлиги, айниқса, суюлтирилган газ тарқатиш шохобчаларидаги электрон тарозилар ишлаб чиқариш корхоналари билан интеграция қилинмаганлиги газ ҳажмлари тўғрисидаги маълумотларни кунлик таҳлил қилиш ва назорат қилиш имконини камлиги коррупцион омилларни юзага келтирмоқда.

Рақамлаштириш жараёнидаги бўшлиқлар сабабли таъминот корхона ходимлари томонидан битта истеъмолчига, уларнинг хабарисиз икки ёки ундан ортиқ “ID - карта”лар расмийлаштирилиб, газ баллонларини етказиб бермасдан хусусий тадбиркорларга қиммат нархларда сотиш орқали талон - торожликларга йўл қўйилмоқда.

2023 йил ва 2024 йилнинг биринчи ярим йиллигида “Е-газ” тизимида сохта маълумотлар киритиш орқали 38 млрд сўмлик 22 минг тонна суюлтирилган газ талон-торож қилинган.

Мисол учун, А туман газ таъминоти бўлими ходими М.Б ва Х.Алар томонидан газ тўлдириш иншоотидан суюлтирилган газ тўлдириб олиб чиқилган 110 дона газ баллонларидан 29 донасини бошқа шахсларга ноқонуний сотиб юборилган.

Яна бир муҳим сабаблардан бири истеъмолдан қайтган бўш газ баллонлардан “оғир қолдиқ” фракциялари тўлиқ тўкиб олинмасдан, суюлтирилган газ тўлдириш орқали иншоот сиғимларида ҳосил бўлган

“ортиқча газ” турли йўллар орқали талон - торож қилиш учун шароит яратмоқда.

Таъминот корхоналарининг газ тўлдириш иншоотларида ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан юкланган суюлтирилган газ сифатини назорат қилиш бўйича лаборатория мавжуд эмаслиги “оғир қолдиқ”ни кўпайтириб кўрсатиш ҳолатларига сабаб бўлмоқда [3].

Юқоридагилардан келиб чиқиб, соҳада коррупцион ҳолатларни келиб чиқишига туртки бўлаётган омилларнинг олдини олиш ҳамда мавжуд тизимли муаммоларни бартараф этиш учун суюлтирилган газ таъминотини ривожлантиришнинг асосий мақсадлари этиб қуйидагилар белгилаш:

(а) суюлтирилган газ таъминотида босқичма-босқич хусусий секторни кенг жалб этиш, хусусий сектор бошқарувига бериш тартиб-тамоийилларини ишлаб чиқиш, талаб ва шартларини белгилаш.

Бунда, хорижий тажрибалардан келиб чиққан ҳолда “Худудгазтаъминот” АЖнинг истеъмолчиларга суюлтирилган газни етказиб бериш билан боғлиқ функцияларини ягона тасисчилигидаги масъулияти чекланган жамият ташкил этиш ва асосий вазифалари сифатида:

- кундалик ҳаётда истеъмол қилиш учун аҳоли ва ижтимоий соҳа объектларига суюлтирилган газни тартибга солинган нархларда етказиб бериш;

- қўшимча хизматлар ҳисобига маиший газ баллонларини ўрнатиб бериш, газ жиҳозлари, маиший газ баллонларини таъмирлаш ва синовдан ўтказиш, хусусий тадбиркорларнинг ускуна жиҳозларини таъмирлаш ва янгисига алмаштириш бўйича хизматларни кўрсатиш этиб белгилаш.

(б) соҳада рақамлаштирилган замонавий бошқарув тизимини жорий этиш, шундан 2025 йилда 63 фоизга ошириб, 2026 йилда 100 фоизга етказиш.
Хусусан,

- истеъмол айланмасидаги маиший суюлтирилган углеводород газ баллонларини электрон идентификация воситалари орқали рақамли маркировкалаш тизимини жорий этиш;

- ягона назорат ахборот тизимини жорий этиш орқали барча амалдаги ахборот тизимларини оптималлаштириш бунда, суюлтирилган углеводород газини қуйиш станциялари ва таъминот корхоналарининг газ тўлдириш иншоотларига ўрнатилган тарози кўрсаткичларини автоматик равишда ўзаро таққослаш ва таҳлил қилиб бориш;

- суюлтирилган углеводород газ ишлаб чиқарилишидан бошлаб якуний истеъмолчиларга етказиб берилишигача бўлган жараёнларнинг барча босқичларида газ ҳисобини онлайн тарзда юритиш ва назорат қилиш;

- аҳоли ва ижтимоий соҳа объектларига тартибга солинган нархларда суюлтирилган углеводород газ баллонларини етказишда истеъмолчининг шахсини “Face-ID” орқали тасдиқлаш тизимини йўлга қўйиш.

Истеъмолчиларга суюлтирилган углеводород газини етказиб беришнинг қуйидагиларни назарда тутувчи янгиланган тартибини ишлаб чиқиш:

- тегишли лицензияга эга тадбиркорлик субъектлари томонидан кундалик ҳаётда истеъмол қилиш учун аҳоли ва ижтимоий соҳа объектларига суюлтирилган углеводород газ етказиб бериш;

- кундалик ҳаётда истеъмол қилиш учун аҳоли ва ижтимоий соҳа объектларига суюлтирилган углеводород газини етказиб бериш бўйича

тегишли лицензияга эга тадбиркорлик субъектларини танлаб олиш бўйича очик танлов ўтказиш;

- жойига борган ҳолда истеъмолчиларга маиший газ баллонларини суюлтирилган углеводород гази билан тўлдириб бериш;

- лицензияга эга тадбиркорлар газ баллонда суюлтирилган углеводород газини истеъмолчиларга етказишда ундаги “оғир қолдик” фракцияларини тўкиб олиш ва биржа орқали реализация қилиш тизимини жорий қилиш.

(в) Энергия ресурсларидан оқилона фойдаланишни йўлга қўйган ҳолда 3,7 млн истеъмолчиларнинг ортиб бораётган эҳтиёжларини қондириш. Яъни, ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги билан биргаликда маиший газ баллонларида суюлтирилган газни истеъмолчиларга бозор нархларида етказиб беришда ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларига манзилли субсидия бериш тартибини жорий қилиш.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Вазирлар Маҳкамасининг 10.08.2018 йилдаги “Аҳоли ва ижтимоий соҳа объектларига кундалик ҳаётда фойдаланиш учун суюлтирилган углеводород газини етказиб бериш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 646-сонли қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 04.03.2024 йилдаги “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланган асосий йўналишлар бўйича

ислоҳотларни амалга оширишнинг 2024 йилдаги устувор чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-109-сон қарори.

3. Муаллифлар жамоаси. Прокурор назорати. Дарслик. – Т.: ТДЮУ, 2019.

4. Мадалиев О.М. Прокурор назорати. Дарслик. Умумий қисм. -Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009.

5. Абдухакимов М.Т. Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштириш масалалари. Юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент, 2023.